

## НОСТАНДАРТ ФИКРИЙ ТАФАККУР ЖАРАЁНИ ВА УНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНЛАРИ

Турматов Жалолиддин Рахматуллаевич

Жizzах политехника институти доценти, Ўзбекистон

Телефон: +998975237676

jaloliddinturmatov@gmail.com

**Аннотация.** Ушбу мақолада ностандар фикрлаш, фикрий тафаккур жараёни, ностандарт фикрий тафаккур маҳсули, шахс парадигмаси, реаллик ва виртуаллик тушунчалари, ижодкорлик, яратувчанлик тушунчалар ёритилган ва ностандарт фикрлашга эга бўлган шахслар ҳаётидан айrim лавҳалар келтирилган.

**Калит сўзлар.** Ностандарт фикрлаш, ижодкорлик, реаллик, виртуаллик, парадигма, “Вундеркинд”, яратувчанлик.

Ҳар қандай ностандарт нарса ва жараён фикрий тафаккур ғоясидан бошланиб яратилади. Шу маънода ностандарт фикрий тафаккур жараёни – инсоният неча минг йиллик тадрижий ривожланиши даврида алоҳида кишиларнинг илм-фанда эришган олий неъмати бўлиб, бугунги кундаги инсоният яратаетган барча моддий ҳамда маънавий бойликлар эса ана шу олий неъматнинг у ёки бу кўринишидир. Ҳозирги фанлар эса ана шу асрлар мобайнида инсонлар фикрий тафаккурида тўпланган билимларнинг мажмуаси бўлиб, у башариятнинг табиатни ўз эҳтиёжлари йўлида фаол суръатларда ўзлаштиришлари натижасида вужудга келган.


Ностандарт фикрий тафаккур жараёни нима ўзи? Бу ҳақда инглиз ёзувчиси Грехом Грен қўйидаги ажойиб фикрини айтади: “Қандайдир бизнинг онгимиздан ташқарида бўлган ва қаердадир эътиборни тортган бирон нарса (ходиса ёки воқеа) ёки ҳаракат (манера, траектория) худди эшитган латифадир – уларнинг барчаси фикрий тафаккур қозонида қайнаб пишади ва қўпчилик ҳолларда ошпазнинг ўзи ҳам тасаввур қила олмаган янги таом бўлиб чиқади” [1, З бет].

Инглиз тилида бу жараённи – seren - dipity деб аталиб, уни “фавқулодда бирон ҳодиса ёнгинасидан шундок бефарқ (менга нима деб) ўтиб кетолмай, уни шунчаки бефарқ аралашиб деб ўйламасдан аксинча унда табиат сирларини очиб берадиган ва мураккаб ижодкорлик масалаларини ечадиган калит бор (нега шундай, нима қилмоқ керак?) деб қараш керак” деган маънони англатади дейилган.

Фикрий тафаккур юритиш жараёни ўзига хос мезонларга асосланади (1-схема).



Мазкур жараёнда инсон қандайдир бир ғайриоддий ва шу билан бирга ўта аҳамиятли ҳамда фойдали нарсани яратган бўлса биз буни ностандарт фикрий тафаккур маҳсули деймиз. Бу эса ўз навбатида билим ва идрок орқали содир бўлади (2-схема).



Кундалик тасаввуримизда ниманинг нима эканлигига ишонсак ва бу ишончимиз биз одатланган воқеа, ҳодисаларга (қоидаларга) зид келмаса бундай ишонч оддий билиш ҳисобланади.

Воқелик ҳақидаги оддий билган маълумотларимиз ностандарт фикрий тафаккур даражасига кўтарилиши учун қўйидаги шартларни қаноатлантириш лозим: биринчидан, бу маълумотларнинг биз билган воқеликка номутаносиблиги; иккинчидан, бунга етарли даражада ишончли далиллар бўлиши; учинчидан, бу маълумотлар илмий асосланган бўлиши лозим. Учала шарт биргаликда мавжуд маълумотларни ностандарт фикрий тафаккур даражасига олиб чиқади.

Инсон ижтимоий тараққиёт жараёнида билмасликдан билишга, мавхум билишлардан мукаммал ва аниқ билишлар ҳосил қилишлар томон боради.

Инсониятнинг моддий дунё тўғрисидаги билимлари нисбийдир, у доимо ривожланиб боради. Билимлар кундалик кузатиш ва тажрибалар орқали тўпланади.

Билимларни тадқиқ этувчи таълимот – эпистемология (билиш назарияси) да перцептив (ҳиссий), ҳаётий кундалик (соғлом ақл) ва илмий билиш шакллари ажратилиб кўрсатилади. Шунингдек эпистемологияда жиддий парадигмали ўзгаришлар (жараёнлар) ҳам ҳозирги замон илмий (фикрий) тафаккури жабҳасида янги эпистемологик ҳолатларни вужудга келтира боради.

Шу ўринда юқорида келтирилган “парадигмали ўзгаришлар” жумласидаги “Парадигма” тушунчасига қисқа шарҳ беришга эҳтиёж сезилади. “Парадигма” нима? Бу тушунча қачон пайдо бўлган?

Бу тушунчани 1962 йилларда америкалик Томас Кун илмий асослаб сиёсатга киритди. Унга кўра парадигманинг шаклланишини инсониятнинг моддий дунё (табиат) га ўзаро ҳар хил усувлар билан таъсир ўтказабошлаб уни ўзлаштириш натижаси сифатида қаралади. “Парадигманинг алмашинуви” га оид маълумотларга (Paradigm shift) Google ўн миллиондан ортиқ саҳифа бағишиланган, 18400 китоб ана шу сўз тузилмасини мавзу қилиб олган.

Катта энциклопедик луғатда парадигмани (грекча *paradigma* – намуна, ўрнак) дейилган. Бошқа бир манбада - “Парадигма (лат) – образ ёки ўрнак, алгоритм, модел” деб таърифланади ва ҳакозо...

Айтилганлардан келиб чиқиб, парадигмани умумжамият томонидан “дунё модели ёки унинг бир қисми (тармоғи, билимлар соҳаси, ҳаёт тарзи ва фаолияти) ҳақидаги кўп сонли инсонлар томонидан намунавий маъқул (стандарт ёки ностандарт) ечимни қабул қилиш усули” деб қабул қилинган.

Шунга кўра шахс парадигмасини – конкрет инсоннинг ўз менталитетидан келиб чиқиб олға сураётган моделига оид ечимни қабул қилишдаги фикрий тафаккури бўлиб, у умумжамият томонидан қабул қилинган парадигмадан фарқ қиласди дейиш ҳам мумкин ва фарқ қилмайди дейиш ҳам мумкин. Шундай бўлсада бундай ёндошиш дунё (вокеа, ҳодиса, хосса...лар) ни илмий асосда тушуниш (ностандарт фикрий тафаккур жараёни) га катта туртки бўлиб хизмат қиласди.

Физикадаги “Парадокс” тушунчасининг мезонига кўра уни “Парадокс – умум томонидан қабул қилинган фикрларга, илмий қоидаларга мос келмайдиган, шунингдек, соғлом ақлга зид (ғайритабиий ҳодиса) фикр” деб таърифланади.

Шундан келиб чиқиб, мавзусидаги ностандарт фикрий тафаккур жараёнини “инсоният билиш даражасини тубдан ўзгартириб юборишга олиб келувчи, моддий дунёда аввалдан мавжуд, лекин кишилар онги учун номаълум бўлиб келган хосса, ҳодисалар сир-асрорларига оид янгиликларни очиб бериш ва уларнинг қонуниятларини ўрнатиш” дейиш мумкин.

Мазкур жараённинг ижобий самарадорлигига виртуалистика фани катта таъсир кўрсатади. Виртуалистика фанининг вужудга келиши санаси Н.Носов ва О.Генисаретскийнинг “Инсон – оператор фаолиятида виртуал ҳолатлар” чоп қилинган вақтга яъни, 1986 йилга тўғри келади [2]. Н.Носов икки метавиртуалистик тушунча – констант реаллик ва виртуаллик тушунчаларини фарқлаб кўрсатади. Констант реаллик тажрибамизда доимо учрайдиган, одатий бўлиб қолган ҳодисалардир. Бу реалликнинг қарама-қаршиси виртуал реалликдир.

“Виртуаллик” тушунчаси қадимги Византия философиясида IV асрда пайдо бўлган ва потенция (имконият, моҳият, сабаб) лар реалликни инкор этишини ифодалаган. Виртуалликнинг луғавий маъноси лат. *virtualis* – мумкин бўлган таассурот, обьект ёки ҳолат, қайсики реал ҳолатда мавжуд эмас, аммо маълум шароитда намоён бўлиши мумкин деб изоҳланади. Ушбу луғавий маънони олдин таъкидланган билим (билиш) га қиёслайдиган бўлсак, билимларнинг қўзга ташланувчанини эзотерик билимлар деб аталса, баъзи астрология ва шу каби соҳаларга оид ниҳоний билимларни экзотерик билимлар дейилади. Эзотерик билимлар илм фан қоидаларига зид келмайдиган бўлса, эзотерик билимлар бундай қоидаларга зид келиши мумкин (ностандар фикрий тафаккур маҳсули).

Умумий ҳолда виртуалликнинг маъносини қисқа қилиб, - муъайян бир шароитларда содир бўладиган ёки рўй бериши мумкин бўлган реал ҳодиса, ностандарт фикрий тафаккурнинг вужудга келишига туртки берувчи ҳолат дейиш мумкин. Бу ҳолатни бевосита пародокс тушунчасига ҳам тааллуқли дейиш ўринлидир.

Хозирда виртуаллик эпистомологияси учун муҳим бўлган иккита тушунча ишлаб чиқилган: амалий фаолият обьекти – аретея (виртуал моделларга асосланган); назарий тадқиқот обьекти – виртуал. Виртуалистикада ҳар иккала тушунча бирлаштириб “виртуал обьектлар” тушунчаси ҳосил қилинган ва фанда виртуал обьектларнинг тадрижий ўзгариши ва шаклланишини акс эттирувчи, янги типдаги обьектни ифодалайдиган “виртолюция” тушунчаси ишлаб чиқилган [4].

Шунга қарамай виртуалистик билим ҳам дастлабки шаклланиш босқичида турибди. Шу маънода, виртуалистиканинг эвристик потенциали (эвристик усул ва услублар) ва парадигмали (парадокслар) истиқболлари катта.

Ҳаётда аслида ҳар бир инсонда ўзига хос ижодкорлик (ижодий имконият) мажуд. Фақат унга кимдир тинимсиз меҳнати орқали ижодкор шахс сифатидаги ўз янги қарашлари билан Ал-Фаробийга ўхшаб оддий бир боғнинг қоровули даражасидан ўз замона ва даврининг буюк алломаси, Арастудан кейинги Шарқнинг “Иккинчи муаллими” ва даҳо даражасига кўтарила олган бўлса, ижодкорликдан маҳрум бошқа бирор эса, оддий боғнинг қорувулилигача қолади.

Бундан кўринадики, даҳолик – ҳар бир инсондан баркамоллик ва етукликни таъминловчи ижодкорликни талаб қиласи. Бу ҳакда “Иккинчи муаллим” “Одам инсон бўлиб, инсоний камолотга эришуви учун ижодкорлик ва касб-хунарга муҳтождир”, деб эътироф этади [5. 28 б].

Шу маънода ижодкорликни оддий ва креативларга ажратиб таҳлил қилиш зарурати туғилди. Креатив атамаси инглизчадан олинган бўлиб, *create* – яратиш (яратмоқ), *creative* – яратувчан ижодкорлик” деб талқин қилинади. Айтилганларни ностандарт тафаккур жараёнига алоқадорликда таърифлайдиган бўлсак, “Шахснинг оддий фикрлаш схемасидан фарқ қилувчи янги гояларни яратишга тайёрлигини тавсифловчи ижодкорлик қобилияти” дейиш мумкин бўлади.

Шунингдек, ноёб лаёқатли болаларни “Вундеркинд” дейилади. Вундеркинд асли немисча сўз бўлиб, гаройиб бола деган маънони билдиради. Аммо фикрий тафаккури билан дунёга келган гўдакнинг ҳеч бир тарбиясиз буюк шахс бўлиб етишишига умид қилиш керак эмас. Энг муҳими – ҳар бири оиласда вояга етаётган бола учун зарур тарбия, эътибор ва муҳит яратишдир. Ана шундагина улар ностандарт фикрий тафаккур эгаларига айланиши мумкин.

Кишилик ностандар фикрий тафаккурга эга инсонларнинг энг юқори чўққисидаги поғонани эгаллаганларни даҳолар деб атайди. Ана шу поғонага элтувчи зинопоялардан борувчи шахс фикрий тафаккури жараёнини иқтидор, истеъдод, талант, ноёб қобилият, ирсият, ялқовлик, девоналиқ, жиннилиқ, телбалиқ, ишёқмаслик ва ҳакозо кўплаб тавсифловчи тушунчалар орқали баҳсли баён қилишлар мавжуд, шулардан баъзиларини келтирамиз:

1. Жемс Уатт, Ж.Свифт, К.гяусслар мактабнинг “ўтгай ўғиллари” ҳисобланиб, лаёқатсиз болалар қаторига қўшиб қўйилган эди;
2. Ньютон мактабда физика ва математикадан нўноқ бўлган ва тамбаллар сафига қўшилган;
3. Эйнштейн ёшлигига ривожланиши суст, зўрға гапира олган, уни ўқитувчилари ўта кетган ялқов ва ишёқмас деб аташган;
4. Швед табиатшуноси Карл линнейдан фақат этикдўзгина чиқиши мумкин деб ҳисоблашган;
5. Немис олимни Гелмъголсни мактаб ўқитувчилари сал кам ақли заифга йўйишган;
6. Машҳур инглиз ёзувчиси Вольтер Скотт ҳақида университет профессорлари: “У ахмоқ ахмоқликдан ўнгмай кетади” дейишган;
7. Йигирма беш ёшида бутун Англияни ўз комедиялари билан лол қолдирган тингловчиларни сўзга чечанлиги билан ҳайрат ва ҳаяжонга сола олган Шериданни саккиз яшарлигига “ўнгланмайдиган тентак” дейишган;

8. Чарлз Дарвинни отаси болалигига: “Қизиққанинг фақат ит-кучук кетидан югуриш, яна каламуш тутиш, сен ўзинг ҳам, оилангни ҳам уятга қўясан”, деб койиган. Мактабда эса унинг ўта ишёқмаслик, партада ўтириб ухлаб қолиш одати бўлган. Уни калтаклаб ўқишга мажбур қилган. Талабалик йилларида эса у асосий вақтини у пивохонада ўтказган;

9. Физикада “Планк доимийси” ни ўрнатган, Квант назариясининг асосчиси бўлиб ўзига абадий ҳайкал қўйиб кетган энг буюк даҳо Макс Планкни университетда “фанга кераксиз одам” дейишган;

10. Миясининг оғирлиги одатдагидан сал кам бир ярим марта енгил бўлишига қарамай Анатоль Франсдек буюк ёзувчи бўлиб етишган;

11. Қутириш касаллигига биринчи бўлиб даво топган, 25 ёшида бир йўла кимё ҳамда физика фанлари доктори бўлган, битирув давлат имтиҳонидан эса зўрга ўрта баҳо олган машҳур француз олимни Луи Пастер миясининг ярми ёшлигадаёқ қон қўйилиши оқибатида эриб кетиб, бутунлай ишламай қўйганлиги маълум;

12. Даниель Дефо ўзининг буюк асари “Робинзон Крузо” ни қон қўйилиши натижасида мияси ишламай айниб қолганда яратган.

Ностандарт фикрий тафаккур жараёнидаги бундай яхшилик билан ёмонлик чатишиб ёнма-ён асрлар бўйи ҳамнафас бўлиб келаётган ва ҳатто бу худди бир қонуният сингари барқарор тус олиб келгани билан боғлиқ серзиддият манзарадан ҳар ким таажжубга тушиши табиий.

Хулоса қилиб айтганда, ностандарт фикрий тафаккур соҳиби бўлишни истаса, аввало қўйидаги муҳим амалларга эътиқод қилиши лозим деб ўйлаймиз:

биринчидан, беғубор, оташ ҳис билан юксакликни кўзлаш ва бу йўлда тинимсиз ижод қилиш;

иккинчидан, шу моҳиятдан келиб чиқиб, илмни ва ижодкорликни қисмат деб билишни рухиятга сингдириш;

учинчидан, руҳий ва илмий покликни фикрий тафаккур марказига қўйиш.

Ана шундагина ҳар бир ижодкор фикрий тафаккур жараёни зинапоялари узра юқорилаб бориб, унинг нурли чўққиларини албатта забт эта олади.

Илмий ҳақиқатни ўрнатиш йўлида, илм-фанни ўзига қисмат деб билганларга ҳар қанча тўсиқ бўлмасин, барибир, кашфиёт ва ихтиrolар яратилаверади, ҳар қандай ҳолатда ҳам тинимсиз ижод қилаверади. Бошқалар учун барча нарса тўқис туюлганда ҳам уларнинг кўнгли тўлмайди. Чунки, уларнинг қизиқувчан, янгиликка ташна онги одамзод ясай олмаган абадий двигателнинг ўзгинаси – у ҳеч маҳал тўхтамайди.

### Адабиётлар

1. Грин Г. Комендант, Москва, Роман – газета, №8 сони, 1967 й, 3 бет.
2. “Иккинчи муаллим”. Инсоний камолот ҳақида. “Фан ва турмуш” №10, 1975 йил, 28 б.
3. Носов Н.А., Генисаретский О.И. Виртуальные состояния в деятельности человека – оператора. Труды ГосНИИ гражданской авиации. Авиационная эргономика и подготовка лётного состава. Вып. 253. М., 1986, стр. 147-155.
4. Тагаев Х. Закон Архимеда частный случай закона Паскаля: вечно непредвиденный пародаксальный – эффективный и самые удивительно – красивейшие эксперименты Тагаева за всю историю физики. Peer – reviewed materials digest (collective monograph) published following the results of the LXXXI International Research and Practice Conference and 1 stage of the Championship in Technical science, Architecture and Construction (London, May 13 – May 20, 2014).
5. Уйқуда ётган имкониятлар: Даҳоликнинг икки қутби. “Фан ва турмуш”. №11, 1967 йил, 22-24 бетлар.
6. <http://www.virtualistika.ru/vip7ap.htm>